

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРКАНД ИКТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Кўллёзма ҳукукида  
УДК: 338.5.003.121

ОЧИЛОВ ИЛХОМ САЙИТҚУЛОВИЧ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА  
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.05 - “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисадиёти”

Иктисол фанлари номзоди  
илемий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарканд – 2010

338(043 3)

64

0-95

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:**

иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич**

**Расмий оппонентлар:**

иқтисод фанлари доктори  
**Курбанов Зият Ниязович,**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Мирзаев Қулмамат Джанзакович**

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Химоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти хузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича К.067.12.01 раками бир марталик Ихтисослашган Кенгашнинг 2010 йил “3-  
жосий соат 13<sup>00</sup>да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 703000. Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “15” январ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш**  
**илмий котиби, и.ф.д., профессор**

  
**И.С. Тухниев**

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбонги.** Мустақиллик йилларида иктиносидиётни оркинлаштириш ва жамиятни модернизациялашга қаратилган ислоҳотлар, мамлакат иктиносидигида чукур таркибий ўзгаришларга ва подавлат мулкига асосланган хусусий секторнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Уларнинг асосий кисми хизмат соҳасига тўғри келмоқда. Жумладан, 2009 йил 1 январь ҳолатига 483,7 мингта юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундай фаолият кўрсатаётганлари сони 444,9 мингтани ёки 92,0%ни ташкил киласди<sup>1</sup>. Шулардан подавлат мулкига асосланган корхона ва ташкилотлар хиссаси 93,0 фоизни, уларнинг ялни ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 79,4%ни, бутун банд ахолининг 78,4%ини ташкил киласди<sup>2</sup>. Улар, асосан хусусий ва кичик бизнес корхоналари бўлиб, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2008 йилда 48,2%ни<sup>3</sup>, 2009 йилда 50,0%ни ташкил киласди, бўлса, 2010 йилда 52,5%га етказиш вазифаси кўйилмоқда<sup>4</sup>. 2008 йилда иктиносидий фаолиятнинг барча соҳаларида хизматлар хажми 20082,7 млрд. сўм бўлиб, унинг мамлакат ЯИМидаги улуши жорий баҳода 54,5%ни (20082,7 \* 100 : 36839,4) ташкил киласмоқда<sup>5</sup>. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иктиносидига хизматларнинг салмоқли ўрни бор.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, хусусий тадбиркорлик, айниқса хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари жамият тараққиётининг барча жабхаларида ижтимоий-иктиносидий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан биридир. Ушбу соҳанинг ривожланиши мамлакат ахолиси бойишига, иктиносидиёт ривожланишига, истеъмол бозори тўйинишига, давлат бюджети тушумлари кўпайишига, ишсизлик камайишига олиб келади. Мисол учун, 2008 йилда жами соҳада банд аҳоли 11035,4 минг киши бўлиб, бу 2007 йилга нисбатан 2,8% кўп демаклир<sup>6</sup>. Агар мамлакат ахолиси шу даврда 1,8%га ўсганлиги инобатга олинса, ахоли бандлик даражаси йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳаси муҳимлигини яна шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгти йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг катор фармон ва

<sup>1</sup> Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.-5 бет.

<sup>2</sup> Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.-7 бет.

<sup>3</sup> Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.-9 бет

<sup>4</sup> И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқииз фармонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктиносидий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Мажхумаси мажлисидаги маъруzasи – Ҳалқ сўзи. 2010 йил 30 январь.-3 бет.

<sup>5</sup> Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.- 34 бетда келтирилган маълумотлар асосида муаллифнинг хисоб-китоби.

<sup>6</sup> Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.- 40 бет.

карорлари. вилоятларда эса унинг ижросини таъминлаш юзасидан ривожланиш дастурлари ва бир катор қарорлар қабул килинди. Булар жумласига “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>7</sup>ги (ПҚ-325, 2006 йил 17 апрель) ва “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришини жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>8</sup>ги (ПҚ-640, 2007 йил 21 май) Президент қарорларини киритиш мумкин. Мазкур қарорлар ва улар юзасидан қабул килинган мөъёрий хужжатлар асосида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасини ривожлантиришининг мамлакатимиз худудлари бўйича аниқ дастурлари ишлаб чиқиради. Келажакда ҳам Президент таъкидлаганидек, “ахолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш гоят муҳим аҳамиятга эга”<sup>9</sup>.

Дунё бозори тизимида хизматлар бозорининг борлиги, мамлакатимизда ушбу соҳа мавқеи, унинг кишилар турмуш даражаси яхшиланишидаги ўрни ошиб бориши, 2010 йилга бориб унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 49.0%га этиши режалаштирилганлиги хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожланиши кўзла тутилганлигидан далолат беради. Бу эса ушбу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан атрофлича ўрганишни такозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг шаклланиши ва тараққий этишида ҳамда уларнинг юкори самарадорлик билан ишлашини таъминлашда айrim муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф килиш, унинг нафақат амалий, балки бир катор назарий масалаларини ҳам ҳал этиш лозимлиги мазкур соҳа самарадорлигини ошириш эвазига мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётни барқарор ривожланишига қаратилган тадқикот ишлари олиб борилишини такозо килмоқда. Буларнинг барчаси мазкур тадқикот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг самарадорлигига оид асарларни ўрганиш шуни кўрсатадики, хусусий тадбиркорликнинг хизмат соҳаси билан боғлиқ тушунчалари мазмуни, табиати, унинг иктиносидётда тутган ўрни хусусида анча тадқикотлар килинган, кўплаб адабиётлар нашр этилган. Аммо улар самарадорлигини ошириш, айникса ички имконостарни ахтариб топиш борасидаги назарий ва амалий масалалар етарли даражада ёритилемаган.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий тадбиркорлик фаолияти ва унинг таркибидағи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда улар самарадорлигини ошириш муаммолари билан кўплаб олимлар шуғулланишмоқда. Булар жумласига

<sup>7</sup>И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанининг гараккисти ва ҳалкимиз фарованиегини янада юксалтиришадир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якулари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Мажлислидаги маъруzasи. - Ҳалқ сўзи. 2010 йил 30 январь. - 3-бет.

Ё.А.Абдуллаев, Ф.Каримов<sup>8</sup>, У.Умаров<sup>9</sup>, А.Ўлмасов, А.Вахабов<sup>10</sup>. М.Шарифхўжаев<sup>11</sup>, М.Р.Расулов<sup>12</sup>, Э.С.Файзисев<sup>13</sup>, Ш.Шодмонов, Т.Жўраев<sup>14</sup>, Р.М.Гайбуллаев<sup>15</sup>. Ш.Рўзиназаров раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси<sup>16</sup>, М.К. Пардаев раҳбарлигидаги бир гурух олимларни<sup>17</sup> киритиш мумкин. Аммо хизмат кўрсатни соҳаси самараадорлигини ошириш муаммолари ўзига хос хусусиятларга ва муҳим аҳамиятга эга.

Хизмат кўрсатни соҳаси самараадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларин ахтариб топалиган, уларни амалиётга сафарбар қиласидиган, ривожланишига таъсир килувчи омилларни хисоблаб, таъсирчан бошқарув карорларини кабул кила оладиган илмий йўналишлар ва амалий тавсиялар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва мос равиша ушбу масалаларнинг иктисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаганлиги мазкур тадқикот мавзусини ташлаш, максад ва вазифаларини белгилаб олиш учун асос бўлди.

**Диссертация мавзуси республикада олиб борилаётган илмий тадқикотларнинг устувор йўналишларига мос келади.** Чунки мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ушбу масаланинг долзарблигини ўзининг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993 йил) ҳамда “Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлантириш йўлида” (1995 йил) асарларида баён этган эли. Сўнгги йиллардаги (2000-2009 йиллар) йил якунлари ва келгуси йилнинг устувор вазифаларини белгилаб беришда ҳам мамлакатимиз Президенти ушбу соҳага алоҳида аҳамият бераб келмокда. Шу туфайли ташланган мавзу республикада олиб борилаётган илмий тадқикотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

**Диссертация ишининг илмий-тадқикот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти илмий-тадқикотлар ишлари режаси билан узвий боғлиқ ва унинг таркибида ўз аксини топган.

<sup>8</sup> Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мехнат. 2000. - 352 бет, Абдуллаев Ё, Каримов Ф., Примов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Асоциацияси. 1999. - 129 бет.

<sup>9</sup> Умаров У. Иктисодиёт назарияси. Т.: Мерос, 2004. - 400 бет.

<sup>10</sup> Ўлмасов А., Вахабов А. Иктисодиёт назарияси Т.: Шарқ, 2006. - 480 бет, Ўлмасов А. Оила иктиси. - Т.: Мехнат. 1998. Вахабов А., Ахмаджонов Ҳ. Хоналоъ ва давлат молисининг ўзаро муносабатлари// Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси 2003 йил 11-12 сон. - 54-55 бетлар, Вахабов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп уқсалли иктисодиёт ва унинг тароран хосил бўлиши. Т.: Шарқ. 2003.

<sup>11</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иктисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: Мехнат. 1995.

<sup>12</sup> Расулов М. Бозор иктисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

<sup>13</sup> Файзисев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Самарқанд: СамиСИ, 2007. - 208 бет.

<sup>14</sup> Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иктисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000

<sup>15</sup> Гайбуллаев Р.М. Тадбиркорликни ривожлантириш музаммолари. Т.: Фан. 2004. - 194 бет.

<sup>16</sup> Тадбиркорлик хукуки (Махсус кисм). Ш. Рўзиназаров таҳририда. Т.: Консаудитинформ. 2002. - 444 бет.

<sup>17</sup> Хизмат кўрсатни, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириши: музаммолар ва уларнинг счимлари. Монография. Т.: “ИКТИСОД-МОЛІУА”, -2008 - 260 бет. Пардаев М.К., Нуроилов Ж.И., Гаппаров А.К. Хизмат кўрсатни соҳасида иктисодий таҳлилия тақомиллаштириш музаммолари. Самарқанд: “Зарафшон”, 2009. - 66 бет.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни эркинлантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий йўналишларини тадқик қилиш, баҳолани ва таҳлия қилиш орқали улар самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни ишга солини йўлларини ишлаб чикишдан иборат. Бунинг учун **тадқиқотнинг қўйидаги вазифалари** белгилаб олинди:

-буғунги кун талабидан келиб чикиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлигини очиб бериш ва унинг иқтисодий мазмунини ўрганиб такомиллашган таърифини ишлаб чикиш;

-мамлакатимиз иқтисодиётгидаги хизмат кўрсатиш соҳаси келажакла асосий секторлардан бирига айланишини ишобатга олиб, уларнинг буғунги кунда тутган ўрнини талқик қилиш, келгусидаги ривожланиши истиқболини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда ушбу категорияни тўғри баҳолаш, бунинг учун уни кўрсаткичларда ифодалаш лозимлигини асослаш ва уларни баҳолаш йўлларини ишлаб чикиш ва амалиётда кўллаш учун тегишли тавсиялар бериш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий салоҳият самарадорлиги эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниклаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чикиш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган хусусий корхоналарда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниклаш ҳамда таҳлил қилиш усуllibарини кўрсатиб бериш;

-хозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг фойдалилик нуктасини аниклаш мухимлигидан келиб чикиб, бир қанча усуllibардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб бериш ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш орқали самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатиш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлаштириш, лицензиялаш ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш лозимлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаш ва уларнинг хусусий секторда кўлланилишини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чикиш;

-эркин иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг фойда ва рентабеллигини ошириш аҳамиятидан келиб чикиб, уларни ошириш йўлларини ишлаб чикиш ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш орқали мазкур, кўрсаткичларни яхшилашда ички имкониятларни ахтариб топиш йўлларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқот обьекти:** хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлокларида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар.

**Тадқикот предмети** хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш йўлзарини ишлаб чиқиши билан бўлган иктисодий муносабатлар мажмуйидан иборат.

**Гадқикот усууллари:** анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва окибат, замон ва макон услублари, ёкиёлаш, мувозанат, социологик сўров, занжирни алмаштириш, кайта хисоблаш, иктисодий-математик моделлаштириш, индекс каби иктисодий таҳлил ва статистика усууллари.

**Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

-хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам иктисодий, ҳам ижтимоий соҳа эканлиги, уларнинг бўтуни кундаги аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари;

-хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий кадрлар етиштириб берини мақсадида касб-хунар коллежларида алоҳида мутахассислар эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан, хизмат соҳасида шугууландиган тадбиркорларни тайёрлаш лозимлиги;

-хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳоланинг концептуал йўналишлари, кўрсаткичлар тизими, улар асосида комплексе кўрсаткични аниқлаш усууллари;

-хизмат кўрсатишнинг автосервис соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг социологик сўров маълумотлари асосида килингани киёсий таҳлили;

-киёсий таҳлил натижасида хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигига баҳо берини ошириш бўйича ички имкониятларни ишга солиш йўллари.

**Тадқикотнинг илмий янгилиги** хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг назарий ва амалий йўналишларини тадқик килиб, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш оркали ички имкониятларни ишга солиш йўллари кўрсатиб берилганлиги билан беғизланади. Бу кўйидагизарда ўз аксини тоғсан:

-хизмат тушунчасининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқиши ва миллий хисоблар тизими таалабларидан келиб чиккан ҳолда унинг таснифи ва ҳар бир гурӯхига аниқлик киритиляди;

-хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўдлари кўрсатиб берилди;

-хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари ракобат муҳити ва бизнес муҳитининг яратилиши эканлигидан келиб чиқиб, уларнинг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди;

-хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иктисодиётидаги тутган ўрни, келажакда унинг асосий соҳалардан бирига айланиши ва мазкур соҳанинг муаммолари илмий-тадқикот ишларининг доимий равишда ўрганилиши лозим бўлган обьекти бўлиб колишлиги назарий жихатдан асосланди;

-хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг обьектив зарурлиги назарий жихатдан очиб берилди ва унинг иктисодий мазмуни ўрганилиб, такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлантириш ва сертификатлантиришни таомиллаштириш бўйича тавсиялар ва соҳа тадбиркорларини шу масалалар бўйича маъсус курсларда ўқитишни лозимлиги асосланди:

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил килиш оркали ички имкониятлардан фойдаланиш усувлари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси.** Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида жамиятда содир бўлаётган иктиносидий жараёнларни ўрганишда кўлланилаётган оламии билиш, илмий диалектика назариялари, фалсафа, иктиносидий назария фанлари. Ўзбекистон Республикаси конунлари ва Вазирлар Махкамаси карорлари, Президент И.Л. Каримовнинг фармонлари, карорлари, асарлари, нутк ва мақолалари, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар таъники иктиносидчи олимларининг илмий ишларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижасида яхлит хуносага келиш ва мантикий бир-бирига узвий боғлиқ бўйиган илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиши максадида иктиносидий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик усувларидан хам кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш, унинг ҳизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятига тўгри баҳо беришда, улардаги мавжуд ички имкониятларни ахтариб топиш оркали хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш ва иктиносидий жихатдан баркарор тарақкиётни таъминлаш имкониятини аниқлашда кўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти ҳизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини оширишга оид меъёрий хўжатларни таомиллаштириш бўйича ички имкониятларни ахтариб тонишда зарур чора-тадбирларни белгилашга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиши мумкинлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқилған назарий тавсиялар амалий маълумотлар билан асосланган бўлиб, уларнинг методологик йўналиши формулалар, чизмалар ва жадваллар оркали кўрсатиб берилган. Диссертация материалларидан “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктиносидёти”, “Сервис асослари”, “Иктиносидий таҳлил”, “Корхона иктиносиди”, “Тадбиркорлик асослари” каби фанлардан ўкув адабиётларини тайёрлаш ва ўкув жараёнларини таомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган назарий таклиф ва амалий тавсиялар О'зДТ 010:2006. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича ҳизматларининг умумдавлат таснифлагичи - ФТБХУТ (ОҚУВД) юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасида (2006 йил 12 май, Далолатнома) ва “Ўзстандарт” агентлигига (2006 йил 22 май, Далолатнома) амалиётга тадбик этиш учун қабул қилинган.

Шуингдек, тадқиқот натижаларидан Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти үкув жарабнода (2009 йил 12 февраль, Далолатнома) ҳам кўлланни мокда.

**Ишнинг синовдан ўтганлиги.** Тадқиқот натижалари Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти (2005-2009 йиллар) ҳамда Тошкент шаҳридаги олий үкув юргарининг (2006-2009 йиллар) катор илмий-амалий конференцияларида, СамИСИ муассислигидаги Менежментни ўқитиш халқаро марказида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда (2005-2009 йиллар), 2009 йил 17 февралда СамИСИда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияла маъруза қилинган ва маъкулланган.

Диссертация иши Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти "Статистика" ва "Иқтисодиёт" кафедраларининг кўшима кенгайтирилган мажлисида ҳамда Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтининг К.067.12.01 раками ихтисослашган Кенгаш хузуридаги илмий семинарида мухокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий ёяси ва натижалари юзасидан умумий ҳажми 7.0 босма табоб ҳажмдан иборат 24 та илмий макола ва тезислар чон этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб. ҳулоса. фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 161 бетни ташкил этиб, 25 та жадвал ва 17 та формуласарни ўз ичига олади. Иловалар сони 15 тани ташкил қилади.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг табиатини иқтисодиётнинг мухим тармоғи сифатида назарий жиҳатдан ўрганиб, унга куйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

**Хизмат дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, худуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга каратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли кўрсатилиши мумкин бўлган фаолияти тушунилади.**

Хизмат бир вактнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадир, Хизматларнинг иқтисодий соҳалиги ўнда намоён бўладики, ушбу соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг бир кисми яратилади. Унинг ижтимоий соҳалиги шундаки, унинг аксарият кисми инсонлар ҳаётини яхшилашга, яшашини кулагаштиришга каратилгандир.

Хизматга берилган таърифимиздан келиб чиқиб. уларни куйидагича гурухларга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз:

- инсон камолоти билан бөглиқ хизматлар;
- оила равнаки билан бөглиқ хизматлар;
- меҳнат жамоалари тақомиллашуви билан бөглиқ хизматлар;
- худуд тараққиёти билан бөглиқ хизматлар;

- давлат равнави билан боғлиқ хизматлар;
- жамият тараккиёти билан боғлиқ хизматлар.

Хизмат кўрсатишга таъриф берилса хизмат тушутичасига таяниш мақсадига мувофиқстир. Чунки, Ўзбек тилининг 5-жисди изоҳли лугатидаги<sup>18</sup> хизматга “хизмат кўрсатиш, ёрдам” деган изоҳ берилган. Бундан келиб чиқадики, хизмат кўрсатишни аниқ манзилга йўналтирилган ҳолат сифатида караш лозим экан. Шу иуктаи назардаги хизмат кўрсатишга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

**Хизмат кўрсатиш дейилганида инсоннинг, мөхнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган қишиларининг наф келтирадиган онглини фаолияти амалга оширилган қисми тушунилади.**

Ишда мазкур таъриф назарий жиҳатдан тўлик асосланган. Чунончи, хизмат кўрсатиш соҳаси иктисолиётнинг таркибий қисми сифатида қуйидаги ўзига хос ҳусусиятларга эга:

- хизматлар моддий неъмат тариқасида кўзга кўринмайди;
- хизмат кўрсатувчи субъектларининг аксарияти жисмоний шахс сифатида намоён бўлади;
  - хизмат кўрсатувчилар ягона шахс сифатида ҳар бири ўзига хос;
  - хизматларни ишлаб чиқарувчилардан ажратиб олиш ва ажратиб сотиш имконияти йўқ;
  - хизматлар олди-сотди жараёнида предмет сифатида намоён бўлмайди;
  - хизмат сифати ўзгариб туради, яъни бир қишининг хизмати бир даврда турли сифатга эга бўлиши мумкин;
  - хизматни заҳирага олиб кўйиб, саклаш имконияти йўқ;
  - хизматнинг ўзини эгасидан айри ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имконияти йўқ;
  - хизматни факат кўрсатилаётган хизмат жараёнида истеъмол килиш мумкин;
  - хизмат натижасидан, айрим ҳолларда, кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкин;
  - хизмат ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши бир пайтнинг ўзида содир бўлади;
  - хизмат кўрсатувчи ва истеъмол килувчи субъектлар хизмат жараёнида бевосита бирга бўлиши мумкин ва хоказо.

Ушбу жиҳатлар жаҳон миқёсида умумэътироф этилган ҳусусиятлардан ташкири мамлакатимизнинг тараккиёт йўлига мос ҳусусиятларни ҳам ўз ичига олган.

<sup>18</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд -- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат миллый пашрияти. 2008. -395 б.

Хизмат кўрсатиш соҳаси сўнгги йилларда жадағ ўсиш, суръатига эга бўлмоқда ва унинг мамлакат иктисолидаги хиссаси муттасид ошиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Мамлакат ЯИМ ва хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг 2001-2008 йиллардаги динамикаси<sup>19</sup>**

| Кўрсаткичтар   | Йиллар |        |        |         |         |         |         |         |
|--|--------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|---------|
|  | 2001   | 2002   | 2003   | 2004    | 2005    | 2006    | 2007    | 2008    |
| ЯИМ, млрд. сўм   | 4925,3 | 7450,2 | 9867,8 | 12189,5 | 15210,4 | 20759,3 | 28186,2 | 36839,4 |
| Ўсиш суръати, (ўтган йилга нисбатан, таққослама баҳола). %                             | 104,2  | 104,0  | 104,2  | 107,4   | 107,0   | 107,3   | 109,5   | 109,0   |
| Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши. %  | 38,2   | 37,9   | 37,4   | 37,2    | 38,4    | 39,5    | 39,4    | 43,3    |
| Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан таққослама баҳола). % | 114,7  | 108,6  | 109,5  | 113,8   | 116,3   | 120,1   | 126,6   | 121,3   |

Мазкур жадвал маълумотлари хизмат кўрсатиш тармоқларининг мамлакат ЯИМдаги улуши сўнгги йилларда муттасил ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Чунончи, 2001 йилда 38,2%ни ташкил этгани холда, 2005 йилга кадар камайиш тенденциясига эга бўлди ва шу йили 38,4%ни ташкил килди. 2005 йилдан бошлаб соҳанинг мамлакат иктисолидаги улуши ошиб бормоқда 2008 йилга келиб у 43,3%га етди. Ушбу соҳанинг ўсиш суръати 2001-2008 йиллар давомида ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбатан анча юкорилигини саклаб колди. 2001 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМга нисбатан ўсиш коэффициенти 1,10 ни (114,7:104,2) ташкил килган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 1,09 ни (116,3:107,0) ва 2008 йилда 1,11 ни (121,3:109,0) ташкил килди. Ушбу тенденция давом этадиган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши муттасил ошиб боради. Бу эса мамлакакт аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланётганлигидан далолат беради. 2008 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар хажми 121,3 фойзга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди<sup>20</sup>.

Шуни эътироф этиш керакки, хизматлар таркибида унинг замонавий, избор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк

<sup>19</sup> Майдо: Ўзбекистон Республикасининг 2001-2008 йиллардаги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасининг тегишли йиллар бўйича нацири ясосида муаллиф томонидан хисобкитоб килиничи.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иктисолий инкорози. Ўзбекистон шароитида уни баргароф этишининг йўллари ва чоралари" юмоли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. – Т.: Иктисолиёт, 2009. – 92 бет.

хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, сұғурта, сайбенк-экскурсия ва боника замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда.

2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан зиёд янги иш ўринилари, 2103 та савдо ва 5138 та машиний хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди<sup>21</sup>.

Характерли жиҳати шундаки, ахолининг турмуш даражаси яхшиланиб, фаровонлиги ошиб боргани сайян хизматларга бўлган энтижҳам ошиб бормокда. Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жои бонига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан 243,8 минг сўмлик транспорт хизматлари, 128,8 минг сўмлик савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, 113,4 минг сўмлик коммунал хизматлар. Машиний хизмат кўрсатиш хажми 2007 йизга нисбатан 132,8% га ўсири<sup>22</sup>. Бу тенденция давом этади ва соҳанини мамлакат иқтисодистидаги улуши ошиб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бугунги глобал молиявий-иктисодий инкиroz давом этиб турган паллада объектив заруриятга айланди. Бу куйидагилар билан белгиланади:

- хизмат кўрсатиш билан шуттуданадиган субъектларнинг янгидан очилиши подавлат маблаглари эвазига кўнимча иш ўриниларини яратади;

- ахолининг банд кисми шу жойдан маош олиб ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди;

- мамлакат бозори истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдирилади;

- мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошиб, валюта тушими кўпайиши мумкин;

- турли (соликили ва соликсиз) тўловлар орқали давлат бюджетининг даромад кисмини кўпайтириш имконияти яратилади;

- мамлакат тараққиёти учун чиройли ва муҳташам бинолар барпо этиши орқали замонавий технологиялар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб килинади;

- кам таъмипланган оиласаларга, иқтисодиётнинг турли соҳаларига, ободонлаштириш ишларига ҳомийлик қилинади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий шарти ва омилидир. Бунга эришиш учун мамлакатимизда ракобат ва бизнес муҳити яратилган бўлиши лозим. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, ишда ракобат ва бизнес муҳитининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

**Ракобат муҳити дейилганица, хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса тадбиркорлик субъектлари хукуқий тенглигининг таъминлашганлиги, табакалашмаган бир хил иқтисодий эркинликнинг жорий килинганилиги, улар**

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. 2009. – 92-бет.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. 2009. – 92-бет.

фаолиятига турли маъмурий давлат идоралари аралашуви баргараф этишининг каратилган конунлар ва мөъбрий хужжатларниш яратилганлиги ва улар амал килингётган ҳолат тушинилади.

Бизнес мухити дейилгаида, бизнеснинг барча турлари билан шугулланувчи субъектларга ўз фойдасини кўнайтиришга каратилган, ҳамма учун бир хил шартшароитлар яратилган эркин фаолиятни таъминайдиган ҳолатнинг мавжудиги тушинилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни баҳолани ва тахлил килиш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чикилиши тақозо этилади. Бунинг учун куйидаги кўрсаткичларни тавсия қиласиз:

- умумий меҳнат унумдорлиги;
- ҳарражатларниш даромадларга нисбатан улуши;
- рентабеллик кўрсаткичи даромадга нисбатан;
- рентабеллик кўрсаткичи ҳарражатларга нисбатан;
- ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси.

Унбу кўрсаткичларниш комплекс тахлили хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишининг концептуал йўналишларини ишлаб чикиш имконини беради. Аммо мазкур кўрсаткичларниш барчасини хисботлар оркали тўплаш имкони бўлмайди, чунки хизмат кўрсатувчи субъектларниш кўпчилиги юридик шаҳе макомига эга эмаслар. Шу туфайли турли (11ta) йўналишда хизмат кўрсатувчилар маълумотларини социологик сўров натижасида тўплаш ва тегинили тарзда тахлил қилишга тўғри келди (2-жадвал).

Барча кўрсаткичларни бир хил ўлчамга келтириб олиб, улар учун ягона комплекс кўрсаткичини аниқлаш мумкин. Бу борада кўплаб адабиётларда<sup>23</sup> тегишли тавсиялар ҳам мавжуд. Уларни умумлаштириб, иктисодий тахлилда кўлланиладиган математик моделларниш аддитив типини танладик ва куйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиздамиз:

$$Kk = \sum_{i=1}^n R_i \quad (1)$$

*Бунда: Kk – самарадорликни ифодаловчи комплекс кўрсаткич;*

*Σ – жамлаш белгиси;*

*n – кўрсаткичларниш умумий сони;*

*i – битта кўрсаткичининг тартиб сони;*

*R<sub>i</sub> – рентабелликни ифодаловчи алоҳида кўрсаткичлар.*

<sup>23</sup>Пардаев М.К. Иктисодий тахлил назарияси. Дарслар. Самарканд. Зарафшон. 2001. - 272 бет. Пардаев М.К., Исройлов Б.И. Молиявий тахлил. Т.: "Иктисодиёт ва ҳуқук дунёси", нашр уйи. 1999. - 346 бет., Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исройлов Б.И. Корхонанинг иктисодий салоҳияти тахлили. Т.: "Иктисодиёт ва ҳуқук дунёси" нашр уйи. 2003. - 256 бет. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. - М.: ИНФРА-М. 2002. -333 бет. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исройлов Б.И. Иктисодий тахлил. Ўкув қўлчами. Т.: Мехнат, 2004. -556 бет.

2-жадвал

**Самарқанд шаҳри ва вилоятнда кузатилган 131 та хизмат кўрсатувчи  
субъектларда самарадорлик кўрсаткичларининг 2008 йил май**

**ойидаги холати**

| №/р.                  | Хизматлар номи                              | Умумий<br>мехнат<br>унум-<br>дорлиги,<br>минг<br>сўм | Харажат-<br>ларининг<br>даромал-<br>ларга<br>нибатан<br>улуши,<br>% | Рентабеллик<br>кўрсаткичи          |                                   | Хар бир<br>ходимга<br>тўғри<br>келади-<br>ган фойла<br>суммаси,<br>минг сўм |
|-----------------------|---|--|---|------------------------------------|-----------------------------------|---|
|                       |   |  |   | даромал-<br>ларга<br>нибатан,<br>% | хаража-<br>ларга<br>нибатан,<br>% |   |
| 1                     | Автосервис хизматлари                       | 355  | 69  | 31                                 | 45                                | 111   |
| 2                     | Автомобилларга ёкилини<br>куйини хизматлари | 2005   | 83  | 17                                 | 20                                | 341   |
| 3                     | Транспорт хизмати                           | 634  | 72  | 27                                 | 38                                | 174   |
| 4                     | Ясаш ва таъмирлаш<br>хизматлари             | 610  | 77  | 23                                 | 30                                | 141   |
| 5                     | Коммунал хизматлар                          | 458  | 78  | 22                                 | 27                                | 99  |
